



## **ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЁҲЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**Эшпулатов Эркинбек Нуралиевич**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси*

**E-mail:** [ebek040883@gmail.com](mailto:ebek040883@gmail.com)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0005-4868-467X>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss4/i6](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss4/i6)

### **Аннотация**

ушбу мақолада туризм соҳасини миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни, унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, туризм соҳасидаги иқтисодий ривожланишни статистик баҳолаш масалалари ва йўналишлари ёритиб берилган.

**Калитли сўзлар:** туризм, хизматлар сифати, диверсификациялаш, санатория-курорт муассасалари, дам олиш ташкилотлари, туризм инфратузилмаси, сайёҳлик маҳсулот, тармоқнинг рақобатбардошлиги

### **Кириш**

Рақобат шароитида туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларни ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳасига тўғри келади[12]. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) прогнозларига кўра, иқтисодиётнинг бу соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда ва яқин йиллар ичида у энг муҳим соҳага айланади. Туризм соҳасига инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 30%ни ташкил қилади[13].

БТТ давлатларга туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматларни таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш, туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бирига айлантириш зарур эканлигини таъкидламоқда. Шунингдек, жаҳонда туризм хизматлари бозори бошқарувини илмий асосда ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш, сайёҳлик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболларини баҳолашга эътибор кучайтирилмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Туризм хизматларини бошқариш, уларнинг самарадорлигини статистик баҳолаш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан Квартальнов В.А.[5], Кабушкин Н.И [6], Сенин В.С.[7] ва бошқаларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, эволюцияси, босқичлари, тамойиллари ҳамда ҳозирги шароитда туризмни хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги тутган ўрни, туризм инфратузилмаси ва бошқа шу каби масалаларга катта эътибор қаратилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Норчаев [8], С.Рўзиев [9], О.Хамидов [10], Б.Тўраев [11]ларнинг илмий ишларида ҳам Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш муаммолари ва меҳмондўстлик индустрияси, бошқариш назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти ва уни ривожлантириш омиллари, бошқариш ва иқтисодий таҳлили масалаларига кенг эътибор қаратилган.

Юқоридаги номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар туризм соҳасини бошқариш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, республикамизда туризм салоҳиятини янада ошириш борасида илмий-назарий жиҳатдан менежмент фанини ривожлантиришга катта илмий ҳисса қўшганлар. Аммо улар туризм индустриясини инновацион бошқариш, ҳудудлар миқёсида туризмни ривожлантириш, туризм хизматлари бозори самарадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш каби масалаларни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаганлар. Шу жиҳатларни ҳисобга олганда, глобаллашув шароитида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида алоҳида тармоқ сифатида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш ва унинг инновацион асосда ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш, бошқарувига таъсир этувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш, ҳудудлар даражасида туризм хизматлари ва унинг инфратузилмасини тадқиқ этиш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга сайёҳлик корхоналарида бошқарувнинг инновацион асосда ташкил этилиши бошқарув самарадорлигини таъминлаш, иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни асосий тенденцияларини статистик баҳолаш бугунги кундаги энг муҳим илмий тенденциялардан саналади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамизда фаолият юритаётган туризм корхона ва микрофирмалари иқтисодий фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда туризм тармоғини ривожланиш ҳолатини статистик таҳлил қилиш ва истиқболли йўналишлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси мамлакатимизда туризм тармоғини ривожланиши ва унинг статистик таҳлиliga оид тадқиқотларни ўрганиб чиқиш, мамлакатимиз ҳудудларида туризмни ривожланишидаги муаммолар ва уларни ечимларини ўрганиш, иқтисодий фаолиятини статистик таҳлилин аналга ошириш бўйича асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туризм тармоғи фаолиятини кенгайтирилган иқтисодий-статистик таҳлилни амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш асосида комплекс статистик таҳлилни кенгайтиришдан иборат.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан туризм хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан: туризм хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз навбатида миллий туризм соҳасининг янада ривожланишига ҳамда хорижлик сайёҳлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бошқарувнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида соҳада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий сайёҳлик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни қабул қилиниб, унинг доирасида ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда[2,3]. Амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида 2022 йилда туризмнинг ЯИМдаги улуши 2,2 %ни ташкил этди. 2018 йилда бу кўрсаткич 2,4 %ни ташкил этган эди[4].

Туризм инсоний ресурсларнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги функцияларни амалга ошириш орқали иқтисодийнинг бошқа тармоқлари ривожланишига туртки бўлади.

Туризмнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш функцияси туризм соҳасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва шу орқали ЯИМни яратишда иштирок этиш орқали намоён бўлади. Жаҳонда туризм тармоқларида 9,2 трлн. долл. ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) яратилган бўлиб, ЯИМнинг қарийб 10,5 %ини ташкил этади (2020-йилда эса 4,7 трлн. долл. қўшилган қиймат яратилган ва ЯИМнинг 5,6 % ини ташкил этган). Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда 2022-йилда туризмда 13,6 трлн. сўм миқдоридан ЯҚҚ яратилган бўлиб, унинг ЯИМдаги улуши 2,2 % (2020-йилда эса ушбу кўрсаткич 0,4 %)ни ташкил этди[14].

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамизга 2023-йил 1-январь ҳолатига 5232,8 киши сайёҳ сифатида хорижий фуқаролар ташриф буюрган. Уларнинг 51,0 фоизини аёллар, 49,0 фоизини эркаклар ташкил этади.

Охирги йилларда Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳларнинг аксарияти қариндошларини йўқлаш (89,0 фоиз), бўш вақт ва дам олиш (7,5 фоиз), даволаниш (1,3 фоиз), хизмат юзасидан (1,6 фоиз) келмоқда. Шунингдек, хорижий давлатлардан ўқишга, тижорат мақсадида ҳам хорижий фуқаролар ташриф буюрмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида сайёҳлик мақсадларида келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши, минг киши [14].**

	Йиллар						
	2018	2019	2020	2021	2022	+, -	%
<b>Жами келган чет элликлар</b>	5346,3	6748,5	1504,1	1881,3	5232,8	-113,5	99,7
аёллар	2830,5	3530,0	738,7	924,6	2647,0	-183,5	93,5
эркаклар	2515,8	3218,5	765,4	956,7	2585,8	70,0	102,8
<b>Бўш вақт ва дам олиш</b>	458,1	1043,9	129,3	155,1	392,2	-65,9	85,6
аёллар	215,6	548,6	58,9	109,9	164,2	-51,4	76,1
эркаклар	242,5	495,3	70,4	45,2	228,0	-14,5	94,0
<b>Даволаниш</b>	52,5	55,6	15,0	3,4	70,0	17,5	133,3
аёллар	32,3	31,5	8,0	13,9	39,3	7,0	121,6
эркаклар	20,2	24,1	7,0	18,5	30,7	10,5	152,0
<b>Қариндошини йўқлаш</b>	4713,5	5520,7	1321,4	1613,1	4657,6	-55,9	98,8
аёллар	2555,1	2916,8	664,7	769,1	2410,3	-144,8	94,3
эркаклар	2158,4	2603,9	656,7	844,0	2247,3	88,9	104,1
<b>Ўқиш</b>	14,6	21,4	4,7	6,4	8,8	-5,8	60,3
аёллар	8,6	12,3	2,3	4,9	3,3	-5,3	38,4
эркаклар	6,0	9,1	2,4	1,5	5,5	-0,5	91,6
<b>Хизмат сафари</b>	56,6	53,1	17,4	60,7	83,8	27,2	148,0
аёллар	9,9	9,4	2,2	51,3	16,9	7,0	170,7
эркаклар	46,7	43,7	15,2	9,4	66,9	20,2	143,2
<b>Тижорат</b>	50,9	53,8	16,3	13,6	20,5	-30,4	40,3
аёллар	9,0	11,4	2,4	7,6	13,1	4,1	145,5
эркаклар	41,9	42,4	13,9	6,1	7,4	-34,5	17,6

Таҳлил қилинаётган йилларда аёлларнинг сайёҳ сифатида мамлакатимизга ташриф буюриши, қариндошларни йўқлашга келиши, ўқиш учун келиши сезиларли даражада камайган. Аммо хизмат юзасидан, даволаниш учун ҳамда тижорат мақсадларида келиши сезиларли даражада ортган.

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда туризмни ривожланишига катта таъсир қилаётган ҳудудларни аниқлаб олиш имконияти юзага келади (2-жадвал).

Мамлакатимизда сайёҳлик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сони 2018-йилда 502 тани ташкил этган ва 2019-йилга келиб бу кўрсаткич 517 тага етган. 2020-йилга келиб эса пандемия сабабли ушбу фаолиятни амалга оширувчи корхоналар сони 337 тани ташкил этган бўлса, 2022-йилда сайёҳлик фирма ва ташкилотлар сони 348 тани ташкил этиб, у ўтган йилга нисбатан 120,8 %ни ташкил қилган бўлса, улар томонидан 673,8 минг кишига хизмат кўрсатилган ва бу ўтган йилга нисбатан қарийб 16,6 фоизга ортган.

**Сайёҳлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони**

Худудлар	Сайёҳлик фирмалар сони, бирлик			Ташриф буюрганлар сони, минг киши		
	2020	2021	2022	2020	2021	2022
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>337</b>	<b>288</b>	<b>348</b>	<b>212,3</b>	<b>577,8</b>	<b>673,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	8	11	13	3,9	6,9	9,8
Андижон	5	3	4	0,2	0,1	1,0
Бухоро	11	16	31	1,1	6,3	39,3
Жиззах	8	3	5	10,5	16,2	15,5
Қашқадарё	4	3	7	1,7	0,5	0,8
Навоий	4	10	13	0,9	4,4	14,8
Наманган	4	1	3	0,7	0	0,3
Самарқанд	45	41	57	17,6	7,8	27,8
Сурхондарё	0	2	4	0	0	3,8
Сирдарё	1	1	2	0,2	0,5	4,5
Тошкент вил.	7	3	5	6,3	4,5	0,3
Фарғона	5	8	9	4,2	10,1	1,3
Хоразм	6	8	14	77,2	236,4	418,7
Тошкент ш.	229	178	181	88,1	284,1	135,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган сайёҳлик фирма ва корхоналар сони 2021-йилга нисбатан ошган бўлсада (101,6%), улар томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони 47,8 фоизга камайган. Шунингдек, мамлакатимизда ташриф буюрганлар сони бўйича Хоразм вилояти (418,7 минг киши) юқори ўринга эга бўлган бўлса (ўтган йилга нисбатан 177,1%), ташриф буюрганлар сонининг ўтган йилга нисбатан ўсиши бўйича Бухоро вилоятининг (6,2-марта ортган) биринчи ўринни эгаллаганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризм ҳам илдам ривожланиб келмоқда (3-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакатимиз аҳолисининг сайёҳ сифатида ташрифи 2022 йилда 2020 йилга нисбатан жиддий суръатларда ўсган (3,1 марта). Хоразм вилояти ўрганилаётган йилларда ички туризмда ташриф буюрганлар сони бўйича энг кўп бўлган ҳудуд сифатида юқори улушга эга бўлган.

Ўзбекистонга 2023 йил давомида 6 626,3 минг нафар хорижий фуқаролар ташриф буюрган бўлиб, бу ўтган 2022 йилга нисбатан 26,6% ортганлигини кўрсатади. Ташриф буюрган сайёҳларнинг 16,9 %и (1 116,8 минг киши) ҳаво транспортида, 1,4 %и (95,7 минг киши) темир йўл орқали, 0,4 %и (28,8 минг киши) автомобиль транспортида келган бўлса, уларнинг 81,3 % (5 386,4 минг нафари) чегарани пиёда кесиб ўтган.

Республикамизга 2023 йилда МДХ мамлакатларидан келган фуқаролар сони ўтган йилга нисбатан 23,0 % ўсган бўлса, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган сони эса 95,4 % га ўсган. Бунга қўшимча сифатида ушбу йилда юртимизга МДХ давлатларидан 6109,0 минг киши келган бўлиб, бу мамлакатимизга жами ташриф буюрганларнинг 92,2 %ини ташкил этиб, Ўзбекистонга дунёнинг бошқа мамлакатларидан ташриф буюрган сони 517,3 минг кишини (7,8 %) ташкил қилган. Мамлакатимизга сайёҳлар асосан қариндошларини йўқлаш, дам олиш, хизмат, доволаниш, тижорат ва ўқиш мақсадларида ташриф буюрадилар.


**3-жадвал**

**Ўзбекистонда ички туризм бўйича ташриф буюрувчилар сони**

Худудлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши, %
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>176 646</b>	<b>522 009</b>	<b>538 938</b>	<b>3,1м</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 897	6 853	9 684	2,5м
Андижон	164	5 944	224	137,0
Бухоро	993	16 177	27 751	27,9 м
Жиззах	10 456	427	14 839	1,5 м
Қашқадарё	1 632	4 398	653	40,0
Навоий	890	0	14 817	16,6 м
Наманган	634	6 599	220	34,7
Самарқанд	13 989	24	8 022	57,3
Сурхондарё	0	520	2 528	-
Сирдарё	200	4 375	4 490	22,4 м
Тошкент вил.	6 163	7 394	324	5,2
Фарғона	4 016	220 940	2 194	54,6
Хоразм	71 967	243 678	366 176	5,1м
Тошкент ш.	616	0	87 016	141,2 м

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони тўғрисида келтирилган маълумотлардан, мамлакатимизга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сони 2018-2019-йилларда (2018-йилга 2017-йилга нисбатан 2 баробар, 2019-йилда 2018-йилга нисбатан 126 %) кескин ошган бўлиб, 2020-йилга келиб, бутун дунёда кузатилаётган пандемия сабабли кескин (22,2 % ёки 2019-йилдагидан 4,5 баробар кам) тушиб кетган (1-расм).

Шу билан бирга, 2021 ҳамда 2022-йилларда мос равишда 1881,0 минг ва 5233,0 минг тани ташкил қилган ва бу пандемиядан кейинги даврда ижобий ўсиш ва ўзининг пандемиядан аввалги ҳолатини тиклаганлигини кўрсатиб беради. Ўзбекистонга 2023 йил давомида 6 626,3 минг нафар хорижий фуқаролар ташриф буюрган бўлиб, бу ўтган 2022 йилга нисбатан 26,6% ортанлигини кўрсатади. Ташриф буюрган сайёҳларнинг 16,9 %и (1 116,8 минг киши) ҳаво транспортида, 1,4 %и (95,7 минг киши) темир йўл орқали, 0,4 %и (28,8 минг киши) автомобиль транспортида келган бўлса, уларнинг 81,3 % (5 386,4 минг нафари) чегарани пиёда кесиб ўтган[15].



**1-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони динамикаси, минг киши<sup>1</sup>**

Республикамизга ушбу давр мобайнида МДХ мамлакатларидан келган фуқаролар ўтган йилга нисбатан 23,0 % ўсган бўлса, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган сони эса 95,4 %га ўсган. Бунга қўшимча сифатида ушбу йилда юртимизга МДХ давлатларидан 6 109,0 минг киши келган бўлиб, бу мамлакатимизга жами ташриф буюрганларнинг 92,2 %ини ташкил этиб, Ўзбекистонга дунёнинг бошқа мамлакатларидан ташриф буюрган сони 517,3 минг кишини (7,8 %) ташкил қилган.

Ўзбекистонга сайёҳлар асосан қариндошларни йўқлаш, бўш вақт ва дам олиш, хизмат, даволаниш, тижорат ва ўқиш мақсадларида ташриф буюрадилар. Мамлакатимизга 2023 йил якунлари бўйича қариндошларни йўқлаш мақсадида келган чет эл фуқаролари сони 9561,1 минг кишини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 5 520,7 минг киши бўлган. 2020 йилда (1 321,4 минг киши) жиддий пасайишдан кейин 2021 ҳамда 2022 йилларда мос равишда 1 613,1 ва 4 657,6 минг кишига етган[14].

Ушбу ўрганилаётган давр мобайнида бўш вақтини мароқли ўтказиш ва дам олиш мақсадларида мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони ўрганилаётган давр бошига 1043,9 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2023 йилда аввалги кўрсаткичдан фарқли равишда сезиларли даражада паст кўрсаткични қайд этган (2023 йилда 773,3 минг киши). Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам 2020 йилдан 2022 йилгача бўлган уч йиллик даврда жиддий пасайишни кузатишимиз мумкин(мос равишда 129,3 минг,155,1 минг ва 392,2 минг киши). Хизмат мақсадида ташриф буюрган сайёҳлар сонида ҳам худди шу каби ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2020 йилда(17,4 минг киши) энг паст кўрсаткич бўлган ва навбатдаги икки йил давомида (2021 йилда 60,7 минг киши ва 2022 йилда 83,8 минг киши)аста секин ўса бошлаган. Аммо, ушбу мақсадда ташриф буюрганлар сони давр охирида жиддий ўзгаришларни қайд этган(2022 йилда 143,5 минг киши). Бу кўрсаткич давр бошига нисбатан қарийб уч марта кўп эканлигини кўришимиз мумкин. Юртимизга тижорат ва ўқиш мақсадида ташриф буюрганлардаги ўзгаришлар даволаниш мақсадида келган сайёҳлар сонидаги ўзгаришга нисбатан анча ўхшаш динамикани кўрсатган.

Даволаниш мақсадида келганлар сони 2019 йилда 55,5 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 61,3 минг кишини ташкил қилган. Ушбу

<sup>1</sup> <http://www.stat.uz>

кўрсаткич бўйича 2023 йилда ўтган йилга нисбатан пасайишни кузатишимиз мумкин бўлади. Ваҳоланки, 2022 йилда 70,0 минг киши мамлакатимизга даволаниш мақсадида ташриф буюрган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 61,3 минг кишини ташкил қилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2023 йилда юртимизга ўқиш мақсадида ташриф буюрган хорижий сайёҳлар жами келганларнинг 0,3 % ини (16,8 минг киши) ташкил қилган бўлса, бу борада тижорат мақсадида келганлар – 1,1 %ни (70,4 минг киши), даволаниш мақсадида келган сайёҳлар – 0,9%ни (61,3 минг киши), хизмат юзасидан ташриф буюрганлар 2,2%ни (143,5 минг киши), бўш вақт ва дам олиш учун – 11,7 %ни (773,3 минг киши) ташкил қилган бўлиб, улар орасида энг кўп саёҳатларнинг мақсадларига эса қариндошларни йўқлаш деб белгиланганлари 5 561,1 минг киши ёки жамига нисбатан 83,9 %га тенг бўлган[15]. Уларни ўтган йилга нисбатан қиёслаганда, қариндошларни йўқлаш мақсадида келганлар 2022 йилга нисбатан 19,4 % га, хизмат сафари мақсадларида келганлар сони 71,3 % га, бўш вақтини мароқли ўтказиш ва дам олишга келган сайёҳлар 97,2 % га, ўқиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрганлар 91,5 % га ва даволаниш мақсадидаги сафарлар 3,4 бараварга ошган бўлса, тижорат мақсадида келган сайёҳ 12,5 % га камайган.

МДХ ва бошқа давлатлардан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони қариндошларни йўқлаш мақсадида мос равишда 5 468,4 ва 92,7 минг киши, бўш вақтини мароқли ўтказиш ва дам олиш мақсадлари эса 441,1 ва 332,2 минг киши, даволаниш мақсадида келганлар 61,2 ва 0,1 минг киши, хизмат мақсадида ташриф буюрган сайёҳлар 71,3 ва 72,2 минг киши, тижорат мақсадида эса 62,2 ва 8,1 минг киши ҳамда ўқиш мақсадида 4,8 ва 12,0 минг кишини ташкил қилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, 2023 йилда чет эл мамлакатларидан (МДХдан ташқари) асосан дам олиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида келганлар жами келганларнинг 64,2 % ини, қариндошларини йўқлаш учун келган эса 17,9 % ҳамда хизмат сафари учун ташриф буюрганлар 14,0 %ни ташкил қилган. Шулардан 2,3 % и – ўқиш мақсадида, 1,6 % и – тижорат ҳамда 0,01 % и даволаниш мақсадида ташриф буюрган[15]. МДХ мамлакатларидан жами ташриф буюрганларнинг 89,5 % и қариндошларини йўқлаш, 7,2% и бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш, 1,2% и хизмат сафари мақсадида, 1,0% и даволаниш, 1,0% и тижорат ва 0,1% и ўқиш мақсадида келганлар ҳисобланади.

Мамлакатимизга қариндошларни йўқлаш мақсадида асосан Тожикистон (2 030,5 минг киши), Қирғизистон (1 702,0 минг киши) ҳамда Қозоғистон Республикаларидан (1 245,8 минг киши) ташриф буюрган бўлса, бўш вақтини мароқли ўтказиш ва дам олиш мақсадларида Россиядан (235,3 минг киши), Қозоғистон (63,4 минг киши) ҳамда Қирғизистон Республикаларидан (43,8 минг киши) ташриф буюрган. Даволаниш мақсадида Тожикистон (43,2 минг киши), Қозоғистон (10,7 минг киши) ҳамда Қирғизистон Республикаларидан (5,5 минг киши) ташриф буюрган бўлса, хизмат мақсадида Тожикистон (22,3 минг киши), Россия(19,6 минг киши) ҳамда Туркиядан (17,7 минг киши) ташриф буюрган ташриф буюрган. Ўқиш мақсадида Ҳиндистон (7,6 минг киши), Туркманистон (3,1 минг киши) ҳамда Покистондан (1,4 минг киши) ташриф буюрган бўлса, тижорат мақсадида Туркманистон (46,5 минг киши), Тожикистон (14,8 минг киши) ҳамда Афғонистондан (1,9 минг киши) ташриф буюрган[15]. Буларни жинси бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу даврда республикаимизга Тожикистондан келган

эркаклар сони 1 187,6 минг киши (жамига нисбатан 35,8 % и), Қирғизистондан келган эркаклар 732,3 минг кишини (22,1 %), 616,9 минг киши Қозоғистондан (18,6 %), 369,2 минг киши Россиядан (11,1 %), 85,8 минг киши Туркиядан (2,6 %), 44,3 минг киши Туркменистондан (1,3 %), 34,3 минг киши Ҳиндистондан (1,0 %), 29,2 минг киши Хитойдан (0,9 %) ва 21,8 минг киши Жанубий Корейадан (0,7 %), бошқа чет эл мамлакатларидан эса 199,0 минг эркак (6,0 %) ташриф буюрган. Шу билан бирга, мамлакатимизга ташриф буюрган аёллар кесимида 1024,8 минг киши Қирғизистондан (уларнинг умумий сонидан 31,0 % и), 967,5 минг киши Тожикистондан (29,3 %), 716,4 минг киши Қозоғистондан (21,7 %), 345,1 минг киши Россиядан (10,4 %), 56,0 минг киши Туркменистондан (1,7 %), 20,7 минг киши Туркиядан (0,6 %), 13,3 минг киши Хитойдан (0,4 %), 13,0 минг киши Жанубий Корейадан (0,4 %), 12,6 минг киши Италиядан (0,4 %) ҳамда қолган 136,6 минг аёл киши бошқа давлатлардан (4,1 %) ташриф буюрган[15].

2023 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳларни ёши кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 31-55 ёшдагилар уларнинг асосий қисмини (48,2 % ёки 3 191,5 минг киши) жумладан, эркаклар – 50,4 % ни, аёллар – 49,6 % ташкил қилган. 56 ва ундан юқори ёшдаги сайёҳлар 20,7 % ни ташкил қилиб, улар 1 369,2 минг киши, жумладан, 40,5 % и эркаклар ва 59,5 % и аёллар, 18 ёшгача бўлганлар эса 16,1 % ни ёки 1 064,7 минг нафар бола, жумладан, 51,8% ўғил болалар, 48,2 % қиз болалар, 15,1 % и 19-30 ёшдаги ташриф буюрувчилар бўлиб, улар 1 000,8 минг кишини, жумладан, 60,3 % йигитлар, 39,7 % ни қизлар ташкил қилган. Мамлакатимиздан 2023 йилда хорижга сайёҳлик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 4 787,4 минг кишини ташкил қилган бўлиб, 2022 йилга нисбатан МДҲ давлатларига кетганлар 7,8 % га ва бошқа мамлакатларга кетганлар сони 3,8 % га пасайган [15]. Ушбу даврда МДҲга 4 153,7 минг киши кетган бўлиб, улар жами кетганларнинг 86,8 % ини ташкил қилган бўлса, бошқа мамлакатларга кетганлар сони 633,8 минг кишини ёки жамига нисбатан 13,2 % ни ташкил қилган.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Таҳлилларимиз ва илмий кузатишларимиз асосида қуйидаги илмий хулоса ва таклифларни баён этамиз. Яъни:

1. Ўзбекистон Республикасида сайёҳлик хизматлар бозорида ҳам муҳим таркибий ўзгаришлар юз бериб, туризм индустрияси ҳозирги кунда тадбиркорлар учун янада жозибали тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Республикада сайёҳлик бизнесни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва институционал ривожлантириш талабларидан бири ҳисобланади. Бунда тармоқлараро ва минтақалараро ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириб, ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

2. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлик фаолият иштирокчилари мавжуд бўлган ўқитиш ва таълим бериш усулларини ўзгартириб бориши лозим. Чунки, жаҳон хўжалигининг интеграциялашуви ва глобаллашуви кучайиб бораётган бир пайтда туризм соҳасининг олдиға янгидан-янги вазифалар қўйилмоқда. Ўзбекистонда туризм соҳаси рақобатбардош бўлиши учун унинг иштирокчилари туризм бозори талабларини қондира олиши керак. Ўзбекистонга келаётган кўпчилик сайёҳлар Ғарбий Европадан эканлигини ҳисобга олган ҳолда муваффақиятга эришиш учун ўқитишнинг меъёрлари халқаро андозаларга мос келиши зарур.

3.Хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ҳукм сураётган осойишталик, юртимизнинг осори атиқалари, қадимги маданий ёдгорликлари ва гўзал табиати мамлакатга йилига 2,5-3,0 млн.дан ортиқ бўлган сайёҳларни ташриф буюриши учун имкон яратади. Бундай катта ҳажмдаги сайёҳлар оқимини қабул қилиш имкониятига эга бўлган хусусий мулк шаклидаги отелларни, кемпингларни, меҳмонхоналарни ва шунингдек бошқа ўнлаб сайёҳлик базалар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

4.Туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш, нафақат ташкилий вазифаларни бажарадиган, балки сайёҳлик ташкилотларини бошқара оладиган янги авлодни ҳам тарбиялашни тақозо этади. Шунингдек, маҳаллий туризм бозори иштирокчилари учун тренинглар ўтказиш орқали уларнинг малакасини юксалтира бориб, улар таклиф этаётган хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни.

3.Макаров М.Ю. Построение модели устойчивого развития сайёҳских территорий (на примере Краснодарского края). Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Сочи 2016 – 33,34 стр.

4. <http://www.stat.uz/>

5.Квартальнов В.А., Романов А.А. Международный туризм: политика развития: Учебное пособие. М., 1998.; Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления. М.: Финансы и статистика, 1999.;

6.Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма - Минск.: Новое знание, 2002.- 409 с.;

7.Сенин В.С. Организация международного туризма: Учебник. - 2-е изд.- М.: Финансы и статистика, 2005.- 400 с.

8. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Номзод. дисс., 2004.-22 б;

9.Рузиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. – Номзод.дисс. автореф.2009.-21 б;

10.Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке сайёҳических услуг Узбекистана. Канд. дисс. автореф, 2006-22 с.

11.Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма.-Док.дисс. автореф., 2011.-38 с

12. <http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>

13. [www.unvto.org](http://www.unvto.org)

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

15.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари